# Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 11 ИЮНЬ. жума, № 41 (5.997). Сотувда эркин нархда



**БУГУНГИ СОНДА:**

1—3-саҳифа
Етмиш йиллик орзу ушалди.

1—2-саҳифа
Янгича услубда ишлаганларга балли!

1—2-саҳифа
Муаммо: маҳсулот тайёр, харидор йўқ.

3-саҳифа
Ўғри қўлга тушди

4-саҳифа
«Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш...»


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 июн куни Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Цян Циченни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди. Ислом Каримов Хитой халқи улкан тарихга эга эканлигини таъкидлади ва айни пайтда бу мамлакат раҳбариятининг сиёсати икки томонлама ҳамкорлик ривожи учун қулай имкониятлар яратаётганини қайд этди. Шунингдек, Президентимиз Ўзбекистон ҳукумати Хитой билан ўзаро алоқаларни кенгайтириш масаласига катта аҳамият беришини ҳам айтиб ўтди.

Икки мамлакатнинг ҳамкорлиги хусусида сўз кетганда, биринчи навбатда транспорт коммуникацияларига тўхталиш жоиз. Европа билан Осиёни туташтирувчи қадим Буюк ипак йўлининг ҳозирги кунда автомобил ва темир йўллари қиёфасида қайта тикланаётганида Хитойнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1998 йилда 86 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Агар Андижон-Ўш-Қашқар йўналиши сингари мамлакатимизни Хитой билан боғловчи темир йўл ва автомобил магистраллари ишга тушса, бу кўрсаткич бир неча бараварга ўсиши шубҳасиз.

Ц. Цичен икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш учун имкониятлар кўплигини айтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабулда Хитойнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Цзинсян ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ФАРМОНИ

## Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Фанлар академияси, Бадиий академия, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Ёзувчилар, Бастакорлар, Меъморлар уюшмалари, «Олтин мерос», «Камолот», «Умид, «Улуғбек», «Наврўз» жамғармалари ва кенг жамоатчиликнинг Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

Зулфия номидаги давлат мукофотини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакилаларига биттадан ҳар йили халқаро хотин-қизлар байрами арафасида бериш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Зулфия номидаги давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло ҳулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилади;

Зулфия номидаги давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида тайинланади;

Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларсиз қабул қилинадилар.

3. Зулфия номидаги давлат мукофотининг Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан Фанлар академияси, Бадиий академия, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва бошқа тегишли жамоат ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилган кўкрак нишони ҳамда дипломи намунаси тасдиқлансин.

4. Зулфия номидаги давлат мукофоти тўғрисидаги Низом, мукофот комиссияси тўғрисидаги Низом ва комиссия таркиби тасдиқлансин.

5. Зулфия номидаги давлат мукофоти комиссияси Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси қошида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиши ҳамда унга қўмита раиси раҳбарлик қилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур давлат мукофотини бериш, кўкрак нишони ва дипломини тайёрлаш учун Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасига давлат бюджетидан тегишли маблағ ажратсин.

7. Зулфия номидаги давлат мукофоти мукофот комиссияси кенг жамоатчилик фикрини атрофлича ўрганиб, талабгорлар фаолиятини ҳар томонлама муҳокама қилиб чиқарган хулосалари асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан берилиши белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 10 июнь

### МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ



*Она юртнинг олтин бошоғи.*

## МАВСУМ БОШЛАНДИ: УНИ ТЕЗ, СОЗ ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Она юртимиз далаларида пишиб етилган ғалла ҳосилини йиғиштириб олишга киришилди. Бу ишни Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этиш шу куннинг муҳим вазифасидир. Хўш, бу қарорнинг жойлардаги ижроси қай аҳволда?

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу мавзуга бағишланди.

Мутасадди раҳбарларнинг ахборотларида таъкидланганидек, комбайннинг иш унуми ва сифати кўп жиҳатдан бошоқдаги доннинг етилганлиги, унинг ҳосилдорлиги ва умуман, ғалла майдонларининг ҳолатига боғлиқдир. Мавсумга мавжуд техника ва комбайнлар ўз вақтида тайёрланган. Уларнинг узлуксиз ишлаши учун сервис хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи ва мойлаш маҳсулотлари заҳираси вужудга келтирилган. Қарорда кўрсатилган 6.551 та комбайн сонига яна 100 та янги «Кейс» агрегати қўшилди. Ғаллани қабул қилиш корхоналарида донни қуритиш, сақлаш ва уруғлик тайёрлаш учун махсус жойлар ҳозирлаб қўйилган.

Шу билан бирга, хориждан келтирилган «Кейс» ва «Класс» замонавий ўрим комбайнлари учун зарур бўлган айрим мойлаш маҳсулотларининг етарли даражада эмаслиги, борлари ҳам жойларга ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги ва бу борада нуқсон-камчиликларга йўл қўйилаётганлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Ҳосилни қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиш, нест-нобуд қилмай пешма-пеш дон комбинатларига етказиш, техникадан унумли фойдаланиш, вақтида ҳисоб-китоб қилиш юзасидан мутасадди раҳбарларга аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Масалага алоқадор вазирлик, қўмита, корпорация, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва банк муассасалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлари Кенгаши раиси ўринбосарлари, вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари иштирок этган йиғилишни Бош вазир ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов олиб борди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б. Олимжонов сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЎЗИМИЗНИНГ ДОНИМИЗ — ЎЗИМИЗНИНГ НОНИМИЗ

*Долзарб мавзу*

Ўзбекистон тупроғининг ноёб унумдорлиги, энг муҳими халқимизнинг меҳнатсеварлиги бизнинг республикамизни қудратли агросаноат салоҳиятига эга мамлакатга айлантириш имконини берди. Мамлакатимизда собиқ тузум давридан мерос бўлиб қолган пахта яккаҳокимлиги тугатилиб, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ғалла мустақиллигига эришишнинг асослари яратилди. Кейинги уч-тўрт йилнинг ичида ғалла майдонлари, биринчи навбатда буғдой экиладиган ерлар юзлаб минг гектардан ортгани бунинг ёрқин мисолидир.

Эслайлик, мустақиллигимизнинг илк йилларида дон асосан четдан валюта ҳисобига келтириларди. Шу боис ҳам мамлакатимиз раҳбари бир муҳим устувор йўналиш — дон мустақиллигига эришиш

(Давоми 2-бетда)

## ҚИШЛОҒИМИЗГА ГАЗ КЕЛДИ

### *Етмиш йилда эришмаган маррага етти йилда етишдик*

*Қарор ва шарҳ*

Ўтган ҳафта матбуотда Вазирлар Маҳкамасининг **«Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори эълон қилинди.

Ушбу қарорда қишлоқ аҳолисининг маиший ва турмуш шароитини яхшилаш мақсадида 2005 йилда ичимлик суви билан таъминлаш 85 фоизгача ва табиий газ билан қамраб олиш даражасини 82 фоизгача етказиш белгиланган. Жорий йилнинг 1 октябригача аҳолини сув ва 1 декабргача газ билан таъминлаш бўйича мутасадди вазирликларга ҳокимликлар билан биргаликда 2010 йилгача мўлжалланган минтақавий ва республика миқёсидаги марраларни ишлаб чиқиш юклатилди. Улар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига минтақавий дастурлар ишлаб чиқиш топширилди.

Бир қарашда оддий кўринган бу рақамлар замирида қанча ғамхўрлик, маблағ ётибди. Аслида бу рақамлар юзага келгунча республика қишлоқ аҳоли пунктлари бирма-бир хатлаб чиқилди. Натижада 4508та қишлоқ марказлашган ичимлик суви билан, 3930 таси табиий газ билан таъминланмаганлиги аниқланди. Улар жами қишлоқларнинг тегишлича 38,0 ва 33,1 фоизини ташкил қилади.

Вилоят, туман ва қишлоқлар доирасида водопровод ва газ тармоқларига улаш имкониятлари чуқур ўрганиб чиқилди. 2010 йилгача 3605 та қишлоққа ичимлик суви ва 3264 тасига табиий газ бериш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳани амалга ошириш учун 25 минг километрдан ортиқ сув ва 30 минг километрга яқин газ қувурлари ўтказилиши зарур бўлади.

(Давоми 3-бетда)

## КАФТИДА ҚУЁШ ТАФТИ

### *«Қишлоқ ҳаёти» танловига*

*1999 йил — Аёллар йили*

Экиннинг ривожига қараб чеҳрасида мамнуният акс этган деҳқон аёл қиёфасини кузатганмисиз? Ўша лаҳзаларда у чақалоғининг кундан-кун соғлом ўсаётганидан хурсанд она сиймосини эслатади. Зеро, аёл қалби меҳр уммони. У ҳеч нарсага бефарқ қарай олмайди. Нимаики иш қилса, меҳр билан, дил тўла ихлос билан қилади. Қалбидаги қуёшнинг тафти кафтларига кўчади, нури кўзларини чақнатади, ғайрат ва шижоат бахш этади.

Тўрақўрғон туманининг Бекобод қишлоғида бир текис униб кун сайин бўй чўзаётган, ям-яшил ғўзаларни оралаб юрган буғдойранг, қадди-қомати ёшлардай, аёлни кўрганда мен унинг чеҳрасида ана шу мамнуният ва компронликни ҳис этдим.

Бу аёл Иномжон Набиев номли жамоа хўжалигининг тўртинчи бригадаси бошлиғи Мубораххон Маҳмудова. Мухбир таъбири билан айтганда суяги меҳнатда қотган Мубораххон йигирма йилдан буён шу жамоага етакчи. Бригада ихтиёридаги ҳар қарич ернинг ҳолатию шароитини сув қилиб ичворган. Ҳар куни эрталабданоқ қайси пайкални чопиқ қилиш, қайси эгатга сув тараш кераклигини белгилаб олади. Ахир 83 гектар жойда миришкорлик қилиш осон эмас. Шунинг учун йигирма йилдирки режа ортиғи билан бажарилади. Бултур ҳар гектар ердан бригада бўйича 42 центнердан ҳосил кўтарилди. Сожида

(Давоми 2-бетда)

## ЭРКИН МЕҲНАТ НИМА БЕРАДИ?

*Таҳлил*

Мулк ҳақиқий эгасини топган жойда ишлар юришиб кетишини эндиликда ҳамма билади. Лекин кўп жойларда бу муҳим масалага юзаки ёндошилганлиги боис кутилган натижага эришилмаяпти. Бошқача айтганда, қоғозда мулк эгасини топган, лекин иш юритиш услуби эскича давом этаётган корхона ва хўжаликларда иқтисодий аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Бу, сўзсиз, янада жадаллик билан ривожланишимиз, эл-юрт дастурхонини янада тўкин қилишимизга тўғаноқ бўлмоқда.

Айнан шунга кўра Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида иқтисодиёт масалаларига тўхталарканлар, мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш, хусусий мулк етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш биринчи галдаги асосий вазифа эканлигини таъкидлаб, шундай деган эдилар:

«Бу устивор вазифани бажариш мақсадида биз пайчилик муносабатлари орқали, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш орқали, қишлоқда эгалик туйғусини қайта тиклаш юзасидан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарорларимиз ҳаётда тўла рўёбга чиқиши учун барча ишни қилишимиз лозим».

Қибрай туманидаги Туроб Нурмуҳамедов номли ширкат хўжалигида бўлганимизда мулкчилик ҳисси, ерга эгалик туйғусини шакллантириш тўғри ҳал этилган жойда меҳнат унумдорлиги, ҳосилдорлик қанчалар ортиши мумкинлигига, қишлоқ аҳли, соҳибкору деҳқонлар яйраб-яшнаб ишлашлари мумкинлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Аввало айрим рақамларга эътибор беринг: хўжалик жами 946 гектар ер майдонига эга. Шундан 583 гектаридан қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун фойдаланилади. Ҳайдаладиган майдонлар эса бор-йўғи 444 гектар.

Энди ҳосилдорлик масаласига келсак, буғдойдан 41,6 центнердан, карамдан 568, помидордан 342, лавлагидан 354, бошқа сабзавотлардан ўртача 314 центнердан ҳосил

(Давоми 2-бетда)

## МАҲСУЛОТ ТАЙЁР-У, ХАРИДОРДАН ДАРАК ЙЎҚ

### *ёки шартнома шартлари нега бажарилмаяпти?*

*Муаммо*

Бугун мамлакатимизнинг барча минтақасида бўлгани каби пойтахт вилоятининг Бекобод туманида ҳам давлатга пилла топшириш мавсуми қизғин давом этмоқда. Аввал бошдан шуни алоҳида таъкидламоқ жоиз, бу йил пилла етиштириш заршунослар учун ҳар қачонгидан ҳам машаққатли кечди.

Боиси ипак қурти уруғлари жонлантирилиб, эндигина хонадонларга тарқатилганда юз берган табиий офат туфайли барча қишлоқ хўжалик экинлари қатори тут баргларини ҳам совуқ уриб кетди. Озуқа танқислиги муаммоси пайдо бўлди, натижада кўплаб хўжаликларда парвариш бир муддат ортга сурилди. Баъзиларида эса қарийб барча ишларни яна қайтадан бошлашга тўғри келди. Мавжуд қийинчиликларга қарамай туман ипак қурти усталари алоҳида фаоллик кўрсатдилар.

Қилинган фидокорона меҳнат ва кўрилган тезкор саъий-ҳаракатлар туфайли мўлжалдаги 3100 қути ипак қурти уруғи 2570 нафар тажрибали заршунослар қўлида меҳрга қониб, парвариш топди. Мутахассислар бугун режадаги 130 тонна сифатли хом ашёнинг нақд эканлигига комил ишонч билан кафолат беришмоқда. Ҳозиргача унинг 100 тоннаси қабул қилиб олинди. Хўжаликлардан маҳсулот ортиб йўлга чиққан карвонлар туман бош пилла хонасига ҳамон узлуксиз келиб турибди. Бу ерда қимматбаҳо хом ашёни пешма-пеш қабул қилиб олиш намунали йўлга қўйилган. Мавсумга аввалдан пухта ҳозирлик кўрилганлиги эндиликда ишларни тезкор ташкил этиш

(Давоми 2-бетда)


КЕЛГУСИ СОНДА:

«Олтин юлдуз» ёғдуси

«Асаларининг эркаги» қанақа бўлади?

Сабоқлар ва жумбоқлар

